

# Маъруза

## Мавзу-7:

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
ЖАРАЁНЛАРИДА ЗАРАРЛИ  
ОМИЛЛАР ВА УЛАРДАН  
ҲИМОЯЛНИШ ТАДБИРЛАР**

## Режа:

1. Ишлаб чиқаришда қўлланиладиган заҳарли ва заарли моддалар (33М).
2. 33Мларнинг инсон организмига таъсир қилиш хусусиятлари.
3. 33Млардан ишловчиларни ҳимоя қилиш тадбирлари.

## ДАРСЛИКЛАР ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАР РЎЙХАТИ

### Асосий:

- Gazinazarova S.M., va b. Hayot – faoliyat xavfsizligi. O‘quv qo‘llanma. Toshkent, 2012 y. -138 bet.
- Yormatov G‘.YO. va boshqalar. Hayot faoliyati xavfsizligi. –T.: “Aloqachi”, 2009 yil. – 348 b.
- Qudratov A. va b.. "Hayotiy faoliyat xavfsizligi". Ma’ruza kursi. “Aloqachi” -T.: 2005. -355 b.
- G‘oyipov H.E. Hayot faoliyati xavfsizligi. –T.: “Yangi asr avlodi”, 2007 yil. – 264 b.
- Nigmatov I., Tojiev M. X. "Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi" Darslik.-T.: Iqtisod-moliya. 2011. -260 b.
- Tojiev M. X., Nigmatov I., Ilxomov M. X. «Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi» O‘quv qo‘llanma. –T.: “Iqtisod-moliya”, 2005. - 195 b.
- Ёрматов F. Ё. ва бошқалар. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. -T.: 2005.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни  
муҳофаза қилиш давлат қўмитаси,  
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги,  
Молия вазирлиги, Соғлиқни саклаш  
вазирлигининг 2013 йил 28 январдаги

1, 1, 8 ва 2-сон қарорига

ИЛОВА

Заҳарли кимёвий ва бошқа токсик  
моддаларни кўмиш ҳамда махсус  
полигонларни қўриқлаш ва саклаш  
тартиби тўғрисида

**захарли кимёвий моддалар** - ўсимликларнинг зараркунандалари ва бегона ўтларга қарши курашишда ишлатиладиган кимёвий препаратлар (воситалар), шунингдек қишлоқ хўжалик экинлари учун қўлланиладиган тайёр ҳолдаги препаратлар;

**токсик модда** - иқтисодиётнинг айрим соҳаларида қўлланиладиган, одамлар ва жониворлар соғлиғига ёки атроф-мухитга заарли таъсир кўрсатадиган модда;

**махсус полигон** - тақиқланган, яроқлилик муддати ўтган, фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган заҳарли кимёвий ва бошқа токсик моддаларни ҳамда уларни қадоқлаш идишларини кўмишга мўлжалланган махсус ер участкаси ва иншоотлар мажмуаси;

**махсус транспорт воситалари** - заҳарли кимёвий ва бошқа токсик моддаларни ҳамда уларни қадоқлаш идишларини ташиш учун мўлжалланган транспорт воситалари.

## **V боб. Махсус полигонларни қўриқлаш, сақлаш ва назорат қилиш**

**14.** «Қишлоқхўжаликкимё» ДАЖИ ходимлари махсус полигонларни қўриқлаш ва сақлаш ишларига хавфли кимёвий моддалар билан хавфсиз ишлашга ўқитилган бўлиши, хавфсизлик техникасига амал қилиши ҳамда якка тартибдаги ҳимоя воситалари билан таъминланган бўлиши лозим.

**15.** Бегона шахсларни, жониворларни ва автотранспорт воситаларни киритмаслик мақсадида хавфли зона ҳудуди ўраб олиниши, қўриқланадиган ҳудудни қўриқлаётган ходимлар учун махсус хоналар бўлиши, ҳудудда кузатув олиб бориш ва кириш учун махсус пост (жой)лар белгиланиши лозим.

**16.** Махсус полигонлар ҳудудида авария ҳолатлари оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим.

**17. Махсус полигонларни қўйидаги ташкилотлар назорат  
қилади:**

**Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат  
қўмитасининг ҳудудий органлари – экологик меъёрларга риоя  
этилиши** бўйича;

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг  
ҳудудий органлари – заҳарли кимёвий ва бошқа токсик  
моддалар ҳамда уларни қадоқлаш идишлари билан ишлашда  
белгиланган санитария меъёрлари ва қоидаларига риоя  
этилиши** бўйича;

**Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар  
вазирлигининг ҳудудий органлари – вужудга келган  
фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг  
оқибатларини бартараф этиш ҳамда уларни мувофиқлаштириб  
бориш ишлари** бўйича.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал  
ресурслар қўмитасининг ҳудудий органлари – ер ости сувлари  
холати бўйича доимий кузатувларни олиб бориш бўйича.**

Табиатни муҳофаза қилишнинг яна бир янги муаммоси бу ташқи муҳитни заҳарли моддалар билан ифлосланишдан сақлашдир. Бундай моддалар таркибиға кимёвий моддаларни, яъни қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган пеститсидларни киритиш мумкин. Маълумки, қишлоқ хўжалик зааркунандалариға қарши курашишда, юқори ҳосил олишда заҳарли кимёвий моддалар (пеститсидлар) катта аҳамият касб этади. Чунки турли зааркунанда ҳашаротлар ва касалликлардан жуда катта заар кўрилади. Бу заар ялпи ҳосилнинг 10-50%ини ташкил этади. Шу сабабли, дунёда қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган 100 мингдан ортиқ кимёвий модданинг 50 фоизи пеститсидларга тўғри келади. Ўзбекистонда йилига 135-140 мингт. заҳарли кимёвий моддалар ишлатилади. Ер шари бўйича ҳар гектар қишлоқ хўжалик майдонига ўртacha 1 кг пеститсид тўғри келса, бу микдор Ўзбекистонда 35 кг ни ташкил этади.

Ўзбекистонда, халқ хўжалигида инсектитсидлар (зараҳли ҳашаротларга қарши), акаритсидлар (каналарга қарши), фунгитсидлар (касаллик тарқатувчи замбуруғларга қарши), гербитисидлар (ёввойи ўтларга қарши), бактеритсидлар (зараҳли бактерияларга қарши), зоотсидлар (зараҳли кемирувчиларга қарши) каби заҳарли кимёвий моддалар ишлатилмоқда. Бундай моддалар тез парчаланмай, ўз хусусиятини узоқ вақт сақлаб, биосферада моддалар алмашинувида қатнашади.

Оқибатда, пеститсидлар маълум миқдорда тупрокда, сувда, ҳавода улар орқали ўсимлик, ҳайвон ва инсон организмидага тўпланади. Бу эса айниқса, инсон организмидага турли касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлади, ҳамда наслдан-наслга ўтиб, салбий таъсир кўрсатади. Баъзи маълумотларга кўра сараторнинг 80% географик мухитнинг ифлосланишидан вужудга келади.

## ***Захарли ва зарарли моддалар***

■ *Захарли ва зарарли моддалар (ЗЗМ) - деб, инсон организмига оз миқдорда тушиб, унда түқималар билан кимёвий ёки физик - кимёвий ўзаро таъсирга киришадиган ва муайян шароитларда соглиқнинг бузилишига олиб келадиган моддаларга айтилади.*

## ЗЗМ лар турлари

- ЗЗМ лар қаттиқ, суюқ, газ, буғ ва аэрозоль ҳолатда бўлиши мумкин.
- Ҳозирги вақтда 5 млн. яқин кимёвий модда маълум бўлиб, шундан 60 мингги ишлаб чиқаришда қўлланилади.
- Мехнат санитарияси ва гигиенасининг бир қисми бўлган “саноат таксикологияси” деган фан ЗЗМ ларнинг одамларга таъсирини ўрганади.

## **ЗЗМнинг организмга таъсири қилиш оқибатини шаклантирувчи омиллар**

ЗЗМ ларнинг организмга таъсири оқибатини бир қатор омиллар шаклантиради. Турли моддаларнинг заҳарли таъсири организм, заҳар ва атроф-муҳитнинг ўзаро таъсири натижаси ҳисобланади.

Булар қуйидаги омиллардир:

- организмнинг ёши;
- жинси;
- шахсий сезувчанлигига;
- заҳарнинг кимёвий тузилиши ва физик хоссалариға, микдорига, таъсир қилиш давомийлигига;
- бажарилаётган ишнинг хусусияти ва оғирлигига;
- микроиклим кўрсаткичларига (хаво ҳарорати, босими, намлиги ва тезлиги) даражасига боғлиқ бўлиши мумкин.

# **Заҳарловчи моддаларнинг инсон организмига таъсири.**

- ЗЗМлар организмга умумий ёки маҳаллий таъсири қилиши мумкин.
- Умумий заҳарланишларда заҳар қонга сўрилиб, айрим органлар, асаб тизими қон ҳосил қилиш органлари заарланади.
- Маҳалий заҳарланишда тўқималар, терининг яллиғланиши каби ҳодисалар рўй беради.
- Заҳарланишнинг қўйидаги шакллари мавжуд:
  - ўткир заҳарланиш - қисқа муддатда катта микдордаги ЗЗМ таъсири натижасида рўй беради;
  - сурункали заҳарланиш - организмга ЗЗМнинг нисбатан оз микдорда, астасекин, узок вақт давомида таъсири натижасида пайдо бўлади.
- Ишлаб чиқаришда ЗЗМ жуда кўп салбий оқибатларга ҳам сабабчи бўлади. Улар организмнинг иммунобиологик қаршилигини пасайтиради: юқори нафас йўллари қатори, сил, буйрак, юрак - қон томирлари тизими касалликлари кабилар ривожланишига имкон яратиб бериши мумкин.
- Аллергик (астма, экзема ва бошқа), авлоддан авлодга ўтувчи, майиб-мажрухликка олиб келувчи ва бир қатор кейинчалик авж оладиган оқибатлар келтириб чиқарадиган ЗЗМлар мавжуд.
- ЗЗМ ичида организмда ўсмалар ривожланишига имкон яратадиган канцероген моддалар мавжуд бўлиб, улар жумласига турли мураккаб моддалар киради.

# **ЗЗМларнинг одам организмига таъсир қилиш хусусияти бўйича гуруҳланиши**

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда ЗЗМлар қуидагича гуруҳланади:

- **Умумий заҳарловчилар**, (углеводородлар, бензол, толуол, ксиол, симоб, фосфор ва хлор бирикмалари ва бошқа).
- **Яллиғлантирувчилар**, (кислоталар, ишқорлар, хлор, фтор, азот бирикмалари).
- **Сенсибилирующие** (сезгирикни оширувчилар), симоб, платина, альдегидлар ва бошқа.
- **Концероген**, хавфли ва зарали шишлар ҳосил қиласи, баъзи ароматик углеводородлар, нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари (мазут, гудрон, битум, ёғлар ва бошқа).
- **Мутаген**, одам организмининг генетик аппаратига таъсир қиласи. Иприт, формальдегид, бензол, сероуглерод, қўрғошин, сурьма, марганец, никотин, симоб ва бошқа.

**Мехнат гигиенасида ЗХМларни йул  
куйса бўладиган (безаар)  
концентрацияларни асослаб берилган.  
8 соатлик иш куни (хафтасига 40  
соатлик) да, бутун иш стажи давомида,  
замонавий текшириш усуллари билан  
аникланадиган касалликлар келтириб  
чикара олмайдиган ЗХМ  
концентрацияси безаар  
концентрация (ПДК) дейилади.**

# ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАРНИНГ ГОСТ БЎЙИЧА СИНФЛАНИШИ:

ГОСТ 12.1.007-76 (1981, 1990)га асосан зақарлы моддалар организмға таъсир күрсатиши даражасига қараб 4 синфға бүлинади:

- ўта хавфли, ЭЮК $<0,1$  мг/м<sup>3</sup>
  - юқори хавфли, 0,1 мг/м<sup>3</sup> $<$ ЭЮК $<1,0$  мг/м<sup>3</sup>
  - ўртача хавфли, 1,0 мг/м<sup>3</sup> $<$ ЭЮК $<10$  мг/м<sup>3</sup>
  - кам хавфли, 10 мг/м<sup>3</sup>  $<$ ЭЮК.

**Баъзи бир заарли моддаларнинг иш зонаси ҳавоси таркибидаги  
энг юқори йўл қўйиладиган концентрациялари (ЭЮК), мг/м<sup>3</sup>  
(СН 245-71 кўчирма)**

| №                       | Модданинг номи                             | ЭЮК,<br>мг/м <sup>3</sup> | Ҳавфлилик<br>синфи | Агрегат<br>холати |
|-------------------------|--|---------------------------|--------------------|-------------------|
| 1                       | 2  | 3                         | 4                  | 5                 |
| <b>Газлар ва буғлар</b> |  |                           |                    |                   |
| 1                       | Аммиак                                     | 20                        | 4                  | б                 |
| 2                       | Ацетон                                     | 200                       | 4                  | б                 |
| 3                       | Бутил спирт                                | 200                       | 4                  | б                 |
| 4                       | Бутилацетат                                | 200                       | 4                  | б                 |
| 5                       | Бензин (ёқилиғи),<br>(углеродга нисбатан)  | 100                       | 4                  | б                 |
| 6                       | Бензин (эритувчи),<br>(углеродга нисбатан) | 300                       | 4                  | б                 |
| 7                       | Бензол                                     | 20                        | 4                  | б                 |
| 8                       | Керосин                                    | 300                       | 4                  | б                 |
| 9                       | Ксилол                                     | 30                        | 3                  | б                 |
| 10                      | Кўрғошин ва бирикмалари                    | 0,01                      | 1                  | б                 |
| 11                      | Лигроин                                    | 300                       | 4                  | б                 |
| 12                      | Метил спирт                                | 50                        | 3                  | б                 |
| 13                      | Мишъякли водород                           | 0,3                       | 2                  | б                 |
| 14                      | Нафталин                                   | 20                        | 4                  | б                 |
| 15                      | Нитроксилол                                | 5                         | 2                  | б                 |
| 16                      | Нитроэтан                                  | 30                        | 4                  | б                 |
| 17                      | Озон                                       | 0,1                       | 1                  | б                 |
| 18                      | Олтингугурт ангидриди                      | 10                        | 2                  | б                 |
| 19                      | Пропил спирт                               | 200                       | 4                  | б                 |
| 20                      | Пропилацетат                               | 200                       | 4                  | б                 |
| 21                      | Симоб                                      | 0,01                      | 1                  | б                 |
| 22                      | Симоб                                      | 0,3                       | 2                  | б                 |

## **ЗХМ таъсиридан химоялаш.**

- **1. Захарли технологик жараёнларни бартараф этиш**
- **2. Технология ва ускуналарни тақомиллаштириш.**
- **3. Гигиеник ва ман.-техник тадбирлар (авария шароити, ремонт ишларини захарланиш хавфи ошган шароитларда (гигиеник талабларга риоя килиш гигиеник стандартлаш, хаво мухитини назорат килиш, индивидуал (шахсий) химоя воситалари ва Х.К.З**
- **4. Санитария ва даволаш-профилактика тадбирлари.**

- Ишлаб чикаришда чангли мухитда ишлашда ишловчиларга заарали моддалар сифатида баъзи Қаттиқ моддаларниң заррачалари салбий таъсир курсатиб саломатлигига зарар келтириши мумкин.
- Чанг деб, Қаттиқ моддаларниң майда заррачаларига айтилади. И/Ч да чанг каттиқ моддаларни майдаланиши, баъзи моддаларни юкори хароратда кайта ишлашда хавога ажралиб чикади.

■ Мелиоратив ишларни бажаришда; канал курилиши, эксплуатация ишлари даврида ер ишларини бажаришда, кум, тупрок, пурковчи курилмаларда ишлаш, бетон тайёрлаш, бетонни таркибий кисмларини талиши, сугориш учун ишлайдиган минерал угитлар билан ишлаш кабиларда хосил бўлади.

- Чанг организмга асосан нафас йули ва тери оркали таъсир курсатади.
- Асбест чанги-асбестоз касалига дучор килиши мумкин; кремний ( $\text{SiO}_2$ ) ли чанг силикозга: охак, сода. кальций, карбид чанглари дерматитга олиб келиши мумкин. Узок муддат чанг ютилса нафас йулларини срункали шамоллашига, астмага, упка шамоллашига, организмда турлишишлар пайдо булишига сабаб бўлади.

## Чангни салбий таъсирини олдини олиш ва камайтириш тадбирлари:


1. Чанг ҳосил бўлишини бутунлай йўқотадиган технологик жараёнларни такомиллаштириш;
2. Аппаратлар, жиҳозлар, элеваторлар, транспортёрлар, шнеклар, бўнкерлар ва ҳакозаларни герметикалаш;
3. Кўлда майдалаш ишларини механизациялаштириш;
4. Курилишда гидроchangсизлантиргич, пневмотранспортлардан кенг фойдаланиш;
5. Чангларга Қарши шамоллаткичлар ўрнатиш, чанг манбаларини изолация Қилиш;
6. Хонани нам усулда тозалаш;
7. Ишчиларни индивидуал Ҳимоя воситалари билан таминалаш.

## **ЗЗМ ларнинг ҳаводаги миқдори қуийдагича назорат қилинади:**

1. Лаборатория усули;
2. Экспресс- анализ усули  
(газоанализаторлар ёрдамида);
3. Автоматик усул (автоматик қурилмалар ёрдамида).



- Асосан 1-синфга кирувчи моддалар тұхтосыз (доимий) назорат қилинади.
- Қолған синфларга кирувчи моддалар даврий равишда назорат қилинади.

## Күчма универсал газ таҳлиллагиch (УГ-2)



1-ҳаво сўриши асбоби; 2-шток; 3-индиқатор найчаси; 4-ютувчи порошок (фильтр) найчаси; 5-шкала; 6-найчалар ғилофи; 7-жиҳозлар учун ғилоф; 8-индиқатор порошокли ампулалар; 9-ютувчи порошокли ампулалар; 10-индиқатор порошоки учун бўш ампула; 11-ютувчи порошок учун ампула; 12-узун жўмрак; 13-зичловчи қаламча; 14-тиқинлар; 15-бигизча; 16-тиқин тайёрлаш жиҳози (штири); 17-калта жўмрак; 18-сургучланган индиқатор найчаси; 19-ишлатилган индиқатор найчаси; 20-термометр.


Рис. 5.1. Универсальный газоанализатор УГ-2.



# 33М таъсиридан ҳимояланиш йўллари

1. Заҳарли моддалар ишлатиладиган технологик жараёнларни камайтириш ёки умуман бартараф этиш.
2. Технология ва ускуналарни такомиллаштириш.
3. Гигиеник ва санитар-техник тадбирлар ўтказиш, захарланиш хавфи ошган шароитларда гигиеник талабларга қатъий риоя килиш, гигиеник стандартлаш, хаво мухитини назорат килиш, индивидуал (шахсий) химоя воситалари ва бошқа.
4. Санитария ва даволаш-профилактика тадбирларини ўтказиш.

«Қандай?» (муаммони ечиш) иерархик диаграммасы ёрдамида ЗЗМ ҳимояланиши тадбирларини ишлаб чиқинг



# Назорат саволлари

- ЗЗМ деб нимага айтилади?
- ЗЗМнинг инсон организмига заарали таъсири нималарга боғлиқ?
- ЗЗМлар таъсири бўйича Қандай гурӯҳланади?
- ЗЗМнинг Ҳаводаги концентрацияси Қандай меъёрланади?
- ЗЗМнинг Ҳаводаги концентрациясини ўлчашнинг Қандай услублари бор?
- ЗЗМ ҳавога ажралиш жараёнини Қанақа тадбирлар билан камайтириш мумкин?
- Ишловчиларни ЗЗМдан Ҳимоя Қилиш воситалярига нималар киради?

**Эътиборингиз учун раҳмат!**